

Япониялик шифокор Шутаро Такаи Исломни қабул қилди



15:38 / 03.06.2021 6642

Қадимги япон терапияси мутахассиси, япониялик доктор Шутаро Такаи Аллоҳ таолонинг исмини эшитгандан сўнг Исломни қабул қилди.

Шифокор Япониянинг Токио шаҳрида туғилган. У ўзининг қадимий япон терапияси техникаси орқали мушак ва бўғимлар бўйича мутахассис ҳисобланади. Доктор Шутаро ҳозирда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида истиқомат қилади.

Шутаро маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан суҳбатлашаётганда унинг елкасида чидаб бўлмас оғриқ борлигини айтди. Японияда унинг покистонлик дўсти Мақсуд унга қизиқ бир ҳолатни айтиб беради. Мақсуд дўсти Сайид Бабар Бухорий ҳақида сўзлаб беради.

Сўнгра япониялик шифокор Бабар Бухорий билан телефон орқали суҳбатлашади ва унга керакли муолажа ҳақида тавсия беради. Жараён тугагандан сўнг оғриқ йўқолади.

Телефон алоқасидан сўнг, доктор Шутаро ўз исмини доктор Алига ўзгартиради, у Покистонга етиб келиб, кейинчалик Ислонни қабул қилади, сўнгра Сайид Бабар Бухорий билан учрашади.

Доктор Али ушбу муолажани «махсус қурилма» ва уни СС60 деб номлади. Қурилмалар танадаги оксидга ташхис қўяди. Уни мушак ва томирларга суртиш пайтида тананинг турли қисмларида тиқилиб қолган тўсиқларни очади.

Бироқ доктор Алининг оғриқни даволашнинг руҳий усули ҳайратда қолдиради. Таъкидлаш жоизки, Ислон Японияда энг тез ривожланаётган диндир.

Хуршид Маъруф тайёрлади